

Сийрат 173-дарс. Қуръондаги энг улуғ сура



20:00 / 18.02.2022 4832

676. Абу Саъид ибн Муъалла розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Намоз ўқиётган эдим, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам чақириб қолдилар. Мен жавоб бермадим. Кейин бориб: «Эй Аллоҳнинг Расули, намоз ўқиётган эдим», дедим. **«Аллоҳ: «Аллоҳ ва Унинг Расули сизларни даъват қилганда ижобат қилинглар», демаганми?»** дедилар. Сўнг: **«Масжиддан чиқишингдан олдин Қуръондаги энг улуғ сурани ўргатиб қўяман»**, дедилар. У зот қўлимдан ушлаб бошлаб кетавердилар. Масжиддан чиқай деб қолганимизда: «Эй Аллоҳнинг Расули, Қуръондаги энг улуғ сурани ўргатиб қўяман, деган эдингиз?» дедим. **«Алҳамду лиллаҳи Роббил аъламин. У - етти такрорланадигандир. У - менга берилган Қуръони азиймдир»**, дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

«Етти такрорланадиган» дейилганда Фотиҳа сураси кўзда тутилган.

677. Абу Умома Боҳилий розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деяётганларини эшитдим: **«Қуръонни қироат қилинг. У Қиёмат куни ўз соҳибларига шафоатчи бўлиб келади. Икки нур сочувчини - Бақара ва Оли Имрон сурасини қироат қилинг. Иккови Қиёмат куни худди икки булутга**

ёки икки соябонга ёки икки қуш галасига ўхшаб келади. Иккови ўз соҳиблари ҳақида тортишишади. Бақара сурасини қироат қилинглр. Албатта, уни олмоқлик (кўтариб олиш) баракадир, уни тарк қилиш ҳасратдир. Баттоллар унга қодир бўлмайдилар».

Муслим ривоят қилган.

678. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уйларингизни қабрга айлантирманглр. Бақара сураси ўқилган уйга шайтон кирмайди»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан